# О Л Д И – С О Т Д И  Ш А Р Т Н О М А С И № 1

Тошкент ш «06» «январ» 2022 йил

"Ёкубов Омилжон Одилович" ЯТТ кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади. Ўзининг гувохномаси, асосида иш юритувчи Ёкубов О номидан, бир томондан ва **«Форумлар мажмуаси» комплексдан фойдаланиш ва хизмат курсатиш бошкармаси**, кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади. Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи бошкарма бошлиги Х.Равшанов номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар хакида туздилар.

## 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(махсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига ўз вактида сифатли килиб етказиб бериш, Сотиб олувчи эса товар(махсулот)ни кабул килиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

| № | Наименование | Ед-изм | Кол-во | Цена | Сумма |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Гул кўчатлари Диморфотека | шт | 8600 | 10000 | 86000000 |
| 2 | Гул кўчатлари Бегония | шт | 7900 | 3600 | 28440000 |
| 3 | Гул кўчатлари Виола | шт | 8890 | 4000 | 35560000 |
| | **Жами** | | | | 150000000 |

1.2. Шартноманинг умумий суммаси 150000000 (Бир юз эллик миллион) сўмни ташкил килади

## 2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1. "Буюртмачи" мазкур шартномани ғазначилик бошкармасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичида конунчиликка мувофик, шартнома умумий суммасидан 30 % микдорида (шартнома суммасидан 30% микдорида) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70 % ни товарни олгандан сўнг 10 банк иш куни ичида кабул килиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура ва в.б. асосида тўлайди.

2.2. "Етказиб берувчи" аванс маблағлари Етказиб берувчининг тегишли ҳисобварағига келиб тушган вактдан бошлаб 3 банк иш куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. "Етказиб берувчи" амалдаги ГОСТ га мувофик товарни етказиб бериши шарт (узи етказиб беради).

2.4. "Буюртмачи" товарларни кабул килишда "Етказиб берувчи" иштирокида олинаётган товарларнинг тўликлигини ва сифатини шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган товарларга мувофиклигини текширишни шарт.

2.5. Агар мазкур шартнома билан бошка ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Етказиб берувчи хисобидан амалга оширилади.

2.6. Буюртмачининг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7. Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича кабул килинади ва унда етказиб берилган товарларнинг микдори, унинг сифати кўрсатилади.

2.8. Мазкур шартномада кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур шартномага мувофик амалга оширилади.

## 3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Буюртмачининг ҳукуклари:

Етказиб берувчидан шартномани бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошка меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб килиш;

Буюртмачи ҳисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Етказиб берувчидан транспорт харажатларини коплаб беришни талаб килиш, агар мазкур шартноманинг шартлариджа бошка ҳоллар белгиланмаган бўлса;

Етказиб берувчидан мазкур шартномага мувофик, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб килиш;

Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра куйидагилардан бирини талаб килиш:

- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;
- камчиликларни беғараз бартараф этиш;
- Етказиб берувчидан мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб килиш.

3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- мазкур шартномага мувофик етказиб берилган товарларни кабул килиш;
- товарларнинг кийматини мазкур шартномада белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.

3.3. Етказиб берувчи куйидаги хукукларга эга:

- "Буюртмачидан" олдиндан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун якуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб килиш;
- Буюртмачидан шартномага мувофик, етказиб берилган товарларни асоссиз равишда кабул килмаслик натижасида етказилган зарарларни коплаб беришни талаб килиш.

3.4. Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

- Буюртмачига товарларни мазкур шартномага мувофик белгиланган муддатда, микдорда ва сифатда етказиб бериш;

- агар товарларни етказиб бериш жараёнида Етказиб берувчи шартнома шартлари ва меъёрлардан ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигидан четга чикишга йўл кўйган холларда Буюртмачининг талаби бўйича 3- кун муддат ичида барча аникланган камчиликларни беғараз бартараф этиш.

3.5. Мазкур шартнома белгиланган тартибда мазкур шартнома шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги конунчилигига мувофик ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган такдирда шартнома бажарилган хисобланади.

## 4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1. Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврда) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар кийматининг 5 фоизи микдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоиз микдорида жарима тўлайди.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) холларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташкари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини такдим этган холда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар киймати тўланишини талаб килишга хаклидир.

4.2. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки кисман рад этганлик, шунингдек хисоб-китобнинг бошка шаклларида товарлар хакини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топширикномасини такдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни такдим этмаганлик ва хоказо) учун буюртмачи махсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи микдорида жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар хакини ўз вактида тўламаганлик учун буюртмачи етказиб берувчига ўтказиб юборилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортик бўлмаган микдорида пеня тўлайди.

4.3. Етказиб берувчи:

- микдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек таклиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчи шартнома шартларининг буюртмачи назарда тутилган шартларга мувофиклиги;
- шартнома шартларининг бошка бузилишлари;
- тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.4. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) конун хужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошка мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни кабул килиш хамда уларнинг хакини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар кийматининг 20 фоизи микдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар хаки тўлаб кўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда кайтаришни талаб килишга хаклидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.5. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлик етказиб берилмаган, товар етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0.5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки курсатилмаган
хизматлар бахосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлик етказиб бермаслик, окибатида етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

4.6. Марка белгиси кўйилмаган ёки лозим даражада маркировка килинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) бундай товарлар кийматининг 5 фоизи микдорида жарима тўлайди. Товарлар кабул килингандан кейин яна жўнатилиши ёки сакланиши керак бўлган холларда сотиб олувчи (буюртмачи) жарима ундиришдан ташкари, ўз кучи билан, лекин етказиб берувчи хисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шахардаги етказиб берувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб килишга хаклидир.

## 5. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1.Келишмовчиликлар ва бахслар келиб чиккан такдирда, томонлар, коидага кўра, мустакил
равишда уларни судгача хал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва бахсларни хал этиш учун бевосита хўжалик судига мурожаат килишга хаклидир.

5.3. Томонлар хўжалик судига мурожаат килган такдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги хўжалик судида кўриб чикилади.

## 6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Форс-мажор натижасида мажбуриятларни бажарилмаслиги холатлари келиб чикса ва бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2005 йил 15 февралидаги 63-сонли "Енгиб бўлмас куч (форс-мажор) холатларининг мавжудлигини тасдиклаш механизмини киритиш тўгрисида"ги карорида кўзда тутилган шартларда томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни кисман ёки тўлик бажарилишидан озод этилади.

## 7. БОШКА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси конунлари билан тартибга солинади

## 8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома ғазначилик бошқармасида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 й. "31" декабригача амал қилади.

8.2. Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин.

Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда шартнома бажарилган ҳисобланади.

8.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

## 9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

| Етказиб берувчи | Буюртмачи |
|---|---|
| *Ташкилот номи :* "Ёкубов Омилжон Одилович" ЯТТ<br><br>Манзил: Тошкент ш Чилонзор тумани Мукумий кучаси 188/30<br><br>Телефон: 90/960-69-69<br><br>Факс: ____________________<br><br>СТИР коди: 429422579<br>ОКЕД: 41110<br><br>Х/Р 20218000900870113001<br><br>Банк номи: АК «Халк банк» Шайхонтохур ф-ли<br><br>МФО: 0082<br><br>*Рахбар (директор):* ________ Ёкубов О<br>М.Ў. (имзо) (Ф.И) | Ташкилот номи: «Форумлар мажмуаси» комплексидан фойдаланиш ва хизмат курсатиш бошкармаси<br>Манзил: Самарканд шаҳар Гулобод кўчаси 33 уй<br>Тел.: 8 (366) 239-83-06 Факс: ____________________<br><br>СТИР коди: 204099034<br>ОКОНХ: 90220<br>Буюртмачининг Ғазна шахсий ҳисобварағи: 100021860184017013902018001<br>Ғазначилик бўлинмаси номи:Самарканд вилояти бўйича Ғазначилик бошкармаси<br>Ягона Ғазначилик ҳисобвараклари (ЯҒХ): 23402000300100001010<br>Банк номи:Марказий банк Тошкент шаҳар бош бошкармаси ХКМ<br>МФО : 00014<br>Ғазначилик бўлинмаси ИНН рақами: 201122919<br><br>Бошкарма бошлиғи ____________ Х.М.Равшанов<br>М.Ў. (имзо) |

Ҳуқуқшунос ____________ Д. Юсупов ____________
Лицензия (диплом) № берилган санаси: ____________
«___» ____________ 20____ й

Ҳуқуқшунос ____________ ____________
Лицензия (диплом) № берилган санаси: ____________
«___» ____________ 20____ й

**“Т А С Д И Қ Л А Й М А Н”**
**Самарқанд вилоят ҳокимлиги**
**«Форумлар мажмуаси» комплексидан фойдаланиш ва**
**хизмат кўрсатиш бошқармаси**
**бошлиғи_______________Х.М.Равшанов**
**2022 йил ______ _____________**
**М У Ҳ Р**

**Самарқанд вилоят ҳокимлиги «Форумлар мажмуаси» комплексидан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш бошқармасига гул кўчатлари харид қилиш бўйича доимий ишловчи танлов (тендер) Комиссия йиғилиши**

**Б А Ё Н И № 01**

**2022 йил 05 январ** **Самарқанд шаҳри**

| | |
|---|---|
| **Раислик қилувчи** | **М.Танқиев** |
| **Иштирок этдилар** | **О.Туракулов** |
| | **Ш.Ғаниев** |
| | **М.Закиров** |
| | **Д.Эрназаров** |
| | **Ш.Очилов** |
| | **Э.Хожимуродов** |

**К У Н Т А Р Т И Б И :**

«Форумлар мажмуаси» комплексидан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш бошкармасига гул кўчатлари харид килиш бўйича "Ёкубов Омилжон Одилович" ЯТТ , "Ахмедов Ботиржон Жасурович" ЯТТ ва"Якубова Нодира Шахабовна" ОК, томонидан танлов (тендер) Комиссияга тақдим этилган харид таклифлари бўйича энг яхши харид таклифини аниклаш.

**Сўзга чиқганлар:**

Дилшод Эрназаров, Мухлис Закиров ва О.Туракулов

Йиғилишда қайд этилдики, «Форумлар мажмуаси» комплексидан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш бошкармасга гул кўчатлари харид килиш бўйича Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги 9-сонли баённомасининг 6 – бандини инобатга олиб, доимий ишловчи Комиссиясининг гул кўчатлари харид килиш бўйича бир катор корхоналардан харид таклифлари тақдим этилган.

Жумладан, харид таклифларини тақдим этиш тўғрисидаги расмий мурожаатномага мувофик, Комиссияга:

- Тошкент шахар Чилонзор тумани Муқумий кучаси 188/30 уйда жойлашган "Ёкубов Омилжон Одилович" ЯТТ томонидан 2022 йил 05 январдаги № 1 сонли хат билан;

- Тошкент шахар Чилонзор тумани Нурхон кучаси 49 уйда жойлашган "Ахмедов Ботиржон Жасурович" ЯТТ томонидан 2022 йил 05 январдаги №01/01 сонли хат билан;

- Тошкент шахар Чилонзор тумани ОРЗУ-3 кучасида жойлашган "Якубова Нодира Шахабовна" ОК томонидан 2022 йил 05 январдаги № 01 хат билан танловда иштирок этиш учун алоҳида харид таклифлари тақдим этилган.

Мазкур корхоналар томонидан тақдим этилган харид таклифларига мувофик гул кўчатлари харид килиш бўйича танловда иштирок этиш учун қуйидаги тур, ўлчам ва нархлар таклиф этилган:

| № | Т у р и | Ўлчов бирлиги | Ўлчами | ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИЛАР | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | "Ёкубов Омилжон Одилович" ЯТТ | "Ахмедов Ботиржон Жасурович" ЯТТ | "Якубова Нодира Шахабовна" ОК |
| | | | | Нархи | Нархи | Нархи |
| 1. | Гул кўчатлари Диморфотека | дона | 1 | 10000 | 10500 | 11000 |
| 2. | Гул кўчатлари Бегония | дона | 1 | 3600 | 3650 | 3700 |
| 3. | Гул кўчатлари Виола | дона | 1 | 4000 | 4500 | 4550 |

“Корхоналар томонидан гул кўчатлари сифатли хамда шартномада келишилган муддатларда тайёрлаш, уларни етказиб бериш ва уларни олингунга кадар омборларда тўлиқ сақлаб туриш кафолати берилган”.

“Комиссия аъзолари томонидан йўл-транспорт харажатларини максимал иқтисод қилиш, марказдалиги ҳамда сақлаш шароитлари бўйича ўтказилган таҳлиллар натижасида Тошкент шахар Чилонзор тумани Муқумий кучаси 188/30 уйда жойлашган "Ёкубов Омилжон Одилович" ЯТТ имкониятлари қулайлигини кўрсатиб ўтилди».

“Шунингдек, Тошкент шахар Чилонзор тумани Нурхон кучаси 49 уйда жойлашган "Ахмедов Ботиржон Жасурович" ЯТТ ва Тошкент шахар Чилонзор тумани ОРЗУ-3 кучасида жойлашган "Якубова Нодира Шахабовна" ОК томонидан харид таклифларида қайд этилган нархлар юқорилиги ва махсулотларни етказишда қўшимча харажатларга талабни келтириб чиқариши мумкинлиги кўрсатиб ўтилди”.

Йиғилишда таъкидлаб ўтилганларни ҳисобга олиб ҳамда корхоналар томонидан тақдим этилган харид нархлар, сифати ва шартномада келишилган муддатларда тайёрлаш, уларни етказиб бериш ва уларни олингунга кадар омборларда тўлиқ сақлаб туриш, корхоналарнинг яқин-узоклиги, транспорт харажатларни ҳар томонлама таҳлилдан ўтказиб, Комиссия

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. «Форумлар мажмуаси» комплексидан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш бошқармаси гул кўчатларини:

- тақдим этилган нархлари арзонлиги;
- сифати ва шартномада келишилган муддатларда тайёрлаш, етказиб бериш ва маҳсулотларни олингунга қадар омборларда тўлиқ сақлаб туриш кафолати берилганлиги;
- корхонани Самарқанд шаҳри марказида жойлашганлиги, бу эса жиҳозларни олиб келиш учун қулай эканлиги ҳамда транспорт харажатларини иқтисод қилиш имконияти мавжудлиги туфайли "Ёқубов Омилжон Одилович" ЯТТ дан харид қилинсин.

2 "Ёқубов Омилжон Одилович" ЯТТ дан гул кўчатлари харид қилиш бўйича **«Форумлар мажмуаси» комплексидан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш бошқармаси** ўртасида хўжалик шартномалари лойиҳалари икки нусхада **Ўзбекистон**

**Республикасининг бюджет кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сон "Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007йил 20 мартдаги 53-сон "Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг ғазначилиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси молия вазрлигининг 2016 йил 22 ноябрдаги 88-сон буйруғи (рўйхат**

**рақами 2850,2016 йил 22 декабр) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплаcи, 2016й, 51-сон, 593-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2850-1 Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларнинг ғазна ижроси қоидаларига иловага мувофиқ риоя қилинган ҳолда тузиш белгилансин.**

3. "Ёқубов Омилжон Одилович" ЯТТ дан гул кўчатлари харид қилиш бўйича «Форумлар мажмуаси» комплексидан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш бошқармасига гул кўчатлари харид қилиш бўйича тузиладиган хўжалик шартномалари Ўзбекистон Республикасининг 27.09.2018 йилдаги ПҚ-3953-сонли, «Давлат харидлари тўғрисида»ги қонунининг Давлат буюртмачилари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхатидаги 26-бандида кўзда тутилган, яъни, "Мамлакатимиз, ҳукуматимиз раҳбарлари, хорижий давлатлар ва ҳукуматлар бошлиқлари ҳамда уларнинг вакилларининг қабуллар уйига ташрифи билан боғлиқ бўлган товарлар (ишлар, хизматлар), шу жумладан уларнинг яшаши, овқатланиши, ташкилий масалаларни ҳал этиш ва ушбу мақсадлар учун кўзда тутилган бошқа харажатлар" бандини инобатга олиб ички тендер танловлари асосида шартнома тузилсин ва тўловлар амалга оширилсин.

4 "Ёқубов Омилжон Одилович" ЯТТ дан гул кўчатлари харид қилиш бўйича **«Форумлар мажмуаси» комплексидан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш бошқармаси** ўртасида икки томонлама тасдиқланган ва жалб этиладиган адвокатлар ёки юристлар экспертизасидан ўтказилган хўжалик шартномалари белгиланган тартибда тузилиб, икки томон раҳбарлари томонидан тасдиқлангандан сўнг **асли ва 1 (бир) нусхаси 20 кун ичида Самарқанд вилояти бўйича Ғазначилик бошқармаси** юридик мажбуриятларни рўйхатга олиш ва нарх мониторинги гуруҳига тақдим этилсин.

5. Мазкур баённомага харид таклифларини тақдим этган корхоналарнинг хатлари, харид таклифлари ва тендер тавловида ғолиб чиққан корхонанинг гувоҳномалари, лицензия ва бошқа тақдим этилган ҳужжатлари илова қилинсин.

6. Мазкур баённома ижроси назорати комиссия раиси ўринбосарига юклатилсин.

| | |
|---|---|
| **Комиссия раиси, бошқарма бошлиғи ўринбосари** | **М.Танкиев** |
| **Комиссия раиси ўринбосари, бош мухандис** | **О.Тўракулов** |
| **Комиссия аъзоси, видеокузатув оператори** | **М.Закиров** |
| **Комиссия аъзоси, комендант** | **Д.Эрназаров** |
| **Комиссия аъзоси, омбор мудири** | **Ш.Ғаниев** |
| **Комиссия аъзоси, мухандис теплотехник** | **Ш.Очилов** |
| **Комиссия аъзоси, Энергетик** | **Э.Хожимуродов** |